

«Жаҳолатга қарши маърифат» мавзусида учрашув ташкил этилди

// 17.09.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/zhaholatga-qarshi-marifat-mavzusida-uchrashuv-tashkil-etildi>



Бугун «Ўзкимёсаноат» АЖда «Жаҳолатга қарши маърифат» мавзусида учрашув ташкил этилди.

Учрашувда Дин ишлари бўйича қўмита ходими Нуриллахон Мукаррамхонов, жамият раҳбарияти ҳамда ходимлари иштирок этишди. Унда маънавий таҳдидларга қарши курашиш, салбий иллатларнинг олдини олиш, турли ёт ғояларга қарши иммунитет ҳосил қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, ижтимоий тармоқлардан тўғри ва мақсадли фойдаланиш, турли ёлғон ахборотлар ва манбалардан огоҳ бўлиш борасида фикр алмашилди.



«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати